

Хўжагелди АЛИМОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси доценти, психология
фанлари доктори

ҲАСАН БАСРИЙ ВА АБДУЛВОҲИД ИБН ЗАЙД ЗУҲД ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АСОСЧИЛАРИ СИФАТИДА

ХАСАН БАСРИ И АБДУЛВАХИД ИБН ЗАЙД КАК ОСНОВАТЕЛИ ПСИХОЛОГИИ ЗУҲД

HASAN BASRI AND ABDULWAHID IBN ZAYD AS THE FOUNDERS OF ZUHD PSYCHOLOGY

Аннотация: Мазкур мақола тасаввуф таълимоти ва амалиёти тарихининг муҳим босқичларидан бири бўлган зуҳд масаласига бағишланган. Маълумки, Ҳасан Басрий зуҳд босқичининг асосчиларидан биридир. У тасаввуф тарихида “Басра мактаби” деб аталган илмий мактаб асосчиси ҳисобланади. У зоҳидлик ҳаракатининг диний асосларини яратади. Шогирди Абдулвоҳид ибн Зайд зуҳд таълимотини ривожлантирар экан, илми иккига, яъни ботин ва зоҳир илмларига бўлади. Абдулвоҳид ибн Зайд тасаввуф таълимотининг илк босқичи ҳисобланган зуҳд қарашларига бир қанча қўшимчалар киритиб, уни бойитади.

Калит сўзлар: тасаввуф, зуҳд, ботиний ва зоҳирий илмлар, мотивация, муҳаббат мурувват, эҳтиёжлар иерархияси, ҳимоясизлик туйғуси.

Аннотация: Данная статья посвящена вопросу аскетизма, который является одним из важных этапов в истории учения и практики суфизма. Известно, что Хасан Басри является одним из основоположников аскетической концепции. Он является основателем научной школы под названием «Школа Басры» в истории суфизма. Он создает религиозные основы аскетического движения. Его ученик Абдулвахид ибн Зайд, развивая учение аскетизма, делит науку на две: внутреннюю и внешнюю. Абдулвахид ибн Зайд обогащает взгляды на аскетизм, считающийся первой стадией суфизма, делая к нему несколько дополнений.

Ключевые слова: суфизм, аскетизм, внутренние и внешние науки, мотивация, любовь, доброта, иерархия потребностей, чувство уязвимости.

Abstract: This article is devoted to the issue of asceticism, which is one of the important stages in the history of the teaching and practice of Sufism. It is known that Hassan Basri is one of the founders of the ascetic concept. He is the founder of a school of thought called the “Basra School” in the history of Sufism. It creates the religious foundations of the ascetic movement. His student Abdulwahid ibn Zayd, developing the teaching of asceticism, divides science into two: internal and external. Abdulwahid ibn Zayd enriches his views on asceticism, considered the first stage of Sufism, making several additions to it.

Key words: sufism, asceticism, internal and external sciences, motivation, love, kindness, hierarchy of needs, sense of vulnerability.

КИРИШ

Тасаввуф таълимоти ва амалиётидаги зуҳд босқичининг асосчиларидан бири сифатида Ҳасан Басрийни таъкидлайдилар. Ҳасан Басрий саҳобалар даври тугаб тобеинлар даври бошланган пайтларда яшаб, ижод этган буюк тасаввуф аҳлларида бири ҳисобланади. Ҳасан Басрийга хос бўлган иккита сифатни алоҳида таъкидлайдилар: самимият ва ҳар қандай ишда қатъият. Ундаги бу сифатлар шогирдларининг кўпайишига олиб келган. Шунингдек, унинг яна бир сифати – нотиклиги эди. У улўғ воизлардан бири эди. Ҳасан Басрийнинг ваъзлари ўз даврида машҳур бўлган. Бу ҳақда Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий ўзининг “Жомеу-л-мутун” китобида шундай деб ёзади: “Ҳазрати Али Басра жомесидан қисса айтиб берувчи бир кишини чиқариб юборганлар, кейин Ҳасан Басрий ваъзини тинглаганлар ва мамнун бўлганлар. У киши охират ҳаёти, ўлимни тафаккур қилиш, шайтон васвасаси ва шунга ўхшаш зарур нарсалардан сўзлар эди” [1: 165-166]. Унинг алангали нутқлари, даъватлари илк араб диний риторикасининг гўзал намуналари сифатида бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳасан Басрий Ҳазрати Али (к.в.)нинг талабаси бўлган, шаръий илмлар (фикҳ)да ҳам чуқур билим эгаси бўлганлиги маълум. Тасаввуф тарихида “Басра мактаби” деб аталган мактаб асосчиси ҳисобланади. Ҳасан

Басрийнинг илгари сурган ғояси “ўткинчи дунё ҳаётидан юз ўгириб, фақатгина ёлғиз Аллоҳга йўналиб, Унга суяниш ва ҳар лаҳзада Ундан кўркмоқ эди” [5: 50]. Ҳасан Басрийнинг фикрича, пайғамбарлар ҳам айнан шундай ҳаракатлар қилишган. Шу сабабли у доимий кўркув ичида яшаган ва кўркув туйғусининг солиҳ амаллар бажаришдаги аҳамиятини таъкидлаган. “Имом Шаъроний бу ҳақда шундай дейди: “Жаҳаннам оловидан шуқадар кўрқар эдики, гўё дўзах фақат унинг учун яратилган деб ўйлаган бўлардингиз” [5:50]. Ҳасан Басрий ўз шогирдларига нафсни ҳисоб-китоб қилиб, тергаб туриш кераклиги тўғрисида насиҳат қилар эди. Ҳасан Басрий ўз эътиборини қаратган яна бир психологик унсур – тафаккур эди. Унинг фикрига кўра, “тафаккур инсонга яхши билан ёмонни кўрсатувчи бир ойна бўлиб, инсонни доимо ёмонликдан сақлайди” [5:51-51].

Ҳасан Басрий одамларнинг доимо ўлим йўлида турганлигини, ўлганлар эса уларга бошқаларнинг келишини кутиб турганлигини таъкидлар эди. Бу билан у ҳар дақиқада бизнинг умримиз тугаши мумкинлигини ва ўлимни эслаб яшашнинг фойдаси кўплигини таъкидлаган бўлиши эҳтимол. У доимо ортиқча бойликни инкор қилиб яшади. Ҳатто бир марта басраликларга ҳокимият томонидан текин ер берилганда ўзига тегишли ердан воз кечиб, бу бир парча ер ўликлар тириладиган кунда унга фойдаси тегмаслигини айтган. Ҳасан Басрийнинг наздида дунё ташвишларига ғарқ бўлган одам ва эътиқод масалаларида сусткаш бўлган киши мунофиқ ҳисобланади.

Ҳасан Басрий ўз шогирдларига ҳар бир хатти-ҳаракатларига ва фикр ўйларига ўта эҳтиёткорлик билан ёндашув лозимлигини таъкидлаган. Бунинг маъноси шундаки, фақат шу йўл билангина зоҳид ўз сўз ва ҳаракатларининг асл сабаблари – мотивларини билиб олиш мумкин. Бу психологик талаб, яъни ўз мотивларига, ўз мотивациясига кузатувчан назар ташлаш тасаввуфий ўзини ўзи интизомда ушлаб туриш ва ўзини ўзи таҳлил ғояларининг асосини ташкил этади. Кейинчалик ушбу ғоялардан руҳланган тасаввуф психологиясининг асосчиларидан бири Ҳорис Мухосибий ўзининг қатор асарларини яратган.

Ҳасан Басрийдаги ўз замондошларига муҳаббат ва уларга мурувват кейинчалик айрим

сўфийлар томонидан зоҳиднинг ўз мақсадига етиши учун танланган йўллардан бири сифатида баҳоланади. Кейинчалик бу ғоялар тасаввуф таълимотидаги бир йўналиш ҳисобланган “футувват” учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳасан Басрий ҳеч қачон исломдаги алоҳида бир оқимга мансублигини, ҳеч қачон бирорта йўналишга асос солганини ёзмаган ёки айтмаган. Бироқ унинг машҳурлиги шундаки, унинг шахси исломий анъаналарнинг илк назариётчиси, исломда илк зоҳидона ҳаёт тарзини асослаб берган киши сифатида тимсол даражасига кўтарилди ва бу тимсолдан илҳом олган тасаввуф аҳли ўз мактаб ва оқимларига асос солишди.

Ҳасан Басрий ўз нутқларида юксак руҳий ва ахлоқий идеалларни илгари сургани, ҳаётида ўз айтган сўзларига амал қилгани боис унга эргашувчи қатор шогирдлар етишиб чиқди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Язид ибн Абон Рақоший (ваф. 737 й.), Муҳаммад ибн Воси (ваф. 740 й.), Молик ибн Динор (ваф. 748 й.), Довуд Тоий (ваф. 781 й.) ва ҳ.к. Шулардан бири Абдулвоҳид ибн Зайд эди (ваф. 793 й.).

Абдулвоҳид ибн Зайд шогирдларига учта хислатга алоҳида эътибор қаратишларини насиҳат қилади: таслимият, истеъмом қилинаётган овқатга ва хулқ-атвор усулига нисбатан ўта эҳтиёткорлик билан ёндашув. У ўз устози Ҳасан Басрийга ўхшаб воиз (нотик) эди. Ўз нутқларида моҳирона образлар яратиш эвазига Қиёмат кунининг образини яратиб берар ва Аллоҳ билан учрашувнинг ҳолатларини таърифлаб берар эди. Унинг фикрига кўра, Аллоҳга садоқат ва самимият билан хизмат қилган кишига Аллоҳ ўз лутфу-инояти билан шу дунёдаёқ жаннатни кўрсатиши мумкин.

Абдулвоҳид ибн Зайд илмни иккига бўлади ва бу тасниф кўплаб олиму-уламолар томонидан ривожлантирилди. Бу илмлар – ботин ва зоҳир илмлари. Унинг фикрига кўра, Аллоҳ ўз дўстларини – авлиёларни ички сир ҳисобланган “ботин илми” билан курулантиради. Бу – зоҳиднинг ўзи ҳақида ва олам ҳақидаги билимларини (бу билимларни авом билмайди) мужассамлаштирган ботин илмидир.

Абдулвоҳид ибн Зайд “кўз ёш тўкувчилар” тоифасидаги зоҳидларга тааллуқлидир. Бу тоифадаги зоҳидлар Аллоҳ ҳузуридаги гуноҳларидан қўрқиб йиғлашадилар ёки

киёмат куни бўладиган илоҳий ҳукмдан шубҳаланганликларидан ачиниб кўз ёш тўкадилар. Кўз ёш тўкиш психологиясининг асосида ҳимоясизлик туйғуси ётади. Бундай эҳтиёж, яъни ўзининг бу ҳаётда ҳимояланганлик туйғусининг мавжудлиги инсондаги муҳим эҳтиёжнинг кондирилишига олиб келади. Бу А.Маслоудаги эҳтиёжлар иерархиясида берилган [2:404-405]. Бироқ бу икки туйғу бир-биридан кескин фарқ қилади. А.Маслоудаги ҳимоясизлик туйғуси бу дунёга тегишли бўлса, зоҳидлардаги бу туйғу у дунёга тааллуқлидир. Зоҳидлар нафақат ўзлари учун, балки ўтиб кетганлар учун ҳам йиғлашганлар. Чунки уларда ўз гуноҳларини ювиш имкониятлари тугаган. Таъкидлаш жоизки, бу тасаввуфona тажриба бугунги кундаги айрим тариқатларда ҳам учрайди.

А.Д.Книш ўзининг “Мусульманский мистицизм” китобида тасаввуф таълимоти учун муҳим бир маълумотни келтиради. Унинг фикрига кўра Абдулвоҳид ибн Зайд Ободон оролида сўфийларнинг илк ибодатхонасига асос солган. Вақт ўтиб Ободон Ироқдаги зоҳидларнинг асосий марказига айланиб қолган. Оролда денгиз қароқчиларидан ҳимояланиш учун ҳарбий истехком бўлиб, унинг бошлиғи Раби ибн Сабоҳ ҳам Ҳасан Басрийнинг шогирдларидан эди ва ўзи ҳам зоҳидона ҳаёт кечирар эди. У ердаги жангчиларнинг ҳам аксарияти зоҳидлар эди. Айнан шу оролдаги жангчи-зоҳидлар турли хил нафл ибодатлари билан шуғулланишар эди. Аллоҳнинг исми-сифатларини зикр қилиш ҳам шу ерда амалга оширилган. Зикр кейинчалик сўфийлар ритуал тажрибасининг асосий элементларидан бирига айланди [3].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Абдулвоҳид ибн Зайд тасаввуф таълимотининг илк босқичи ҳисобланган зуҳд қарашларига бир қанча қўшимчалар киритиб, уни бойитади. Зуҳд психологиясининг назарий ва амалий асосларини яратишга ўз ҳиссасини қўшган мазкур зоҳидлар келажакда тасаввуф таълимотининг ривожини таъминлаб бердилар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий. Жомеъ ул-мутун. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000. – Б. 165-166.
2. Большой психологический словарь. - СМБ. Прайн - ЕВРОЗНАК, 2004. – С. 404-405.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / А.Д.Кныш; пер. с англ. М.Г. Романов. – СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2004 – С. 464.
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К. 1. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. – 272 б.
5. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиқлол”, 1999. - 88-бет. 50 бет.